

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ
САМАРКАНДСКОГО СОГДА 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрам о'g'li*
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ46-51
- Матажонов Раҳимжон Акратович*
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF
UZBEKISTAN 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH
USULLARI VA AFZALLIKLARI 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHKILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIJ TA'MINOTI	316-322

07.00.00 – Тарих фанлари

Кайпова Малика Дауытбай қизи
Қорақалпоқ давлат университети

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ХУДУДДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

Аннотация. Бу илмий мақола Қорақалпоғистондаги тарихий маданий объектлар ва уларнинг ҳудудда туризмни ривожлантиришдаги ўрни ва ундаги муаммоларни ўрганишга бағишланган. Илмий мақолада иқтисодийтимизни ривожлантиришда туризмнинг аҳамияти, маҳаллий олимларнинг асарларига ҳамда архив фондлари материалларига таянган ҳолда ўрганилган.

Калит сўзлар: туризм, археологик, Туризм кўчаси, маданий мерос, зиёрат туризми, музейлар, сайёҳлар.

Kaypova Malika Dautbay kizi
Karakalpak State University

**HISTORICAL CULTURAL OBJECTS IN KARAKALPAKSTAN AND THEIR ROLE IN THE
DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE REGION**

Abstract. This scientific article is devoted to the study of historical cultural objects in Karakalpakstan and their role in the development of tourism in the region and the problems in it. The scientific article examines the importance of tourism in the development of our economy, based on the works of local scientists and archival materials.

Keywords: tourism, archaeological, Tourism Street, cultural heritage, pilgrimage tourism, museums, tourists.

Кайпова Малика Дауытбай қизи
Каракалпакский государственный университет

**ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫЕ ОБЪЕКТЫ КАРАКАЛПАКСТАНА И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ
ТУРИЗМА В РЕГИОНЕ**

Аннотация. Данная научная статья посвящена изучению историко-культурных объектов Каракалпакстана и их роли в развитии туризма в регионе и проблемах в нем. В научной статье рассматривается значение туризма в развитии нашей экономики на основе работ отечественных ученых и архивных материалов.

Ключевые слова: туризм, археологический, улица Туризма, культурное наследие, паломнический туризм, музеи, туристы.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N01>

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш, унинг иқтисодийнинг ролини оширишга қаратилган кўплаб ислохотлар амалга

оширилмоқда. Бу орқали ҳудудлар инфраструктурасини яхшилаш, жойлардаги аҳолининг фаровонлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистондаги туризм соҳасини ривожлантиришда моддий-маданий объектларни ўзида жамлаган маданий туризм йўналиши айниқса, катта роль ўйнайди. Сабаби улар сайёҳлар оқимини ошириш, ҳудудларнинг туризм имкониятларини потенциал туристларга янада яқиндан таништиришда муҳим ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда ушбу туристик йўналишнинг халқаро туризмдаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу борада маданият соҳасидаги энг таниқли ва ваколатли ташкилотлардан бири — Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофаза қилиш халқаро Кенгаши (ICOMOS) маданий-маърифий туризм таърифини ўтмиш (мерос) қадриятлари, ҳудуд ва ҳозирги замон хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда изоҳлайди[1].

Шундай қилиб, маданий-маърифий туризм туризмнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади ташриф буюрадиган жойнинг маданияти ва маданий муҳити, шу жумладан, ландшафт билан танишиш, аҳолининг урф-одатлари ва уларнинг турмуш тарзи, бадиий маданияти ва санъати, маҳаллий аҳолининг дам олиш фаолиятининг турли шакллари билан танишишдир. Маданий туризм маданий тадбирларга, музейларга, маданий мерос объектларига ташрифларни, маҳаллий аҳоли билан алоқаларни ўз ичига олиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Қўнғирот туманлари ҳудудида халқимизнинг тарихи, унинг миллий маданиятини ривожлантириш даражаси бўйича жуда бой маълумотлар берадиган тарихий ва маданий ёдгорликлар жойлашган. Бугунги кунда бу ёдгорликлар ўзининг аҳамиятли жиҳати билан Республика ва бутун дунё маданияти хазинасидан юқори ўрин эгаллаб, кўпчилик илмий ташкилотлар билан олимларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Ҳозирги вақтда Хўжайли ва Қўнғирот тумани атрофида жойлашган ёдгорликлар бир қанча бўлиб Хўжайлида 4 та археологик , 6 та тарихий архитектуравий, 2 та монументал бюст-ёдгорликлар, Қўнғирот туманида эса 48 та археологик, 3 та архитектуравий, 2 та тарихий, 1 та монументал ёдгорликлар давлат рўйхатига олинди[2; 8 б]. Албатта, бундай ёдгорликларга эгалик қилиш катта масъулиятларни ҳам юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «2011–2012-йилларда Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматларнинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш бўйича аниқ тадбирлар дастури» доирасида минтақанинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, тарихий–маданий объектларни оммалаштириш, шунингдек, туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ишларни бажариш режалаштирилди[3; 23 б]. Бироқ ушуб режалаштирилган кўпгина ишлар маблағларни етишмаслиги ва масъул шахсларнинг ўз вазифаларига эътиборсизлиги туфайли тўлиқ амалга оширилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5781-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 14.10.2019 йил куни 14/1-2782-сон билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини 2019-2021 йилларда жадал ривожлантириш бўйича

чора-тадбирлар режаси” (81 банддан иборат) ишлаб чиқилиб тасдиқланиши соҳага ҳукумат даражасида жиддий эътибор берилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарорига мувофиқ Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати тасдиқланган.

Мазкур рўйхатга Қорақалпоғистон Республикасидан жами 288 та маданий мерос ва зиёрат объектлари киритилган бўлиб, шулардан 131 таси археологик объектлар, 24 та архитектура объектлари, 88 та монументал объектлари ва 45 та диққатга сазовор жойлар ташкил қилади.

Дарҳақиқат, бундай объектларни мавжуд бўлиши баробарида уларни кенг туристлар оммасига тарғиб қилиш ҳам муҳимдир. Шу жиҳатдан фаол ҳаракатлар олиб борилиши жараёнида Қорақалпоғистон Республикасига 2018 йилда 347 минг нафар маҳаллий, 82 минг нафар хорижий, 2019 йилда 551 минг нафар маҳаллий, 100,4 минг нафар хорижий туристлар ташриф буюрган бўлиб, 2019 йилда 36,5 млн АҚШ доллари миқдорида туризм хизматлари кўрсатилган. Лекин, 2020 йилда коронавирус пандемиясининг салбий оқибати натижасида 40 минг нафар маҳаллий ва 3 минг нафар хорижий туристлар ташриф буюрган бўлиб, 750 минг АҚШ доллари миқдорида туризм хизматлари кўрсатилган.

Туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида Хитой, Корея, Бельгия, Россия, БАА, давлатларида ўтказилган Халқаро кўргазмаларда ҳудуднинг туризм салоҳияти намойиш этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Нукус шаҳрининг туристик харитаси ишлаб чиқилди ва туристик ахборот марказлари орқали бепул тарқатилиши йўлга қўйилди. Соҳада фаолият юритаётган ҳунармандлар каталоги ишлаб чиқилиб, улар тўғрисида 10 та видео роликлар тайёрланди. Ҳар йили (икки йилдан бир марта) “Оролнинг 99 та балиқ таомлари” гастрономик фестивали, “СТИХИЯ” электрон мусиқа фестивали, “NavrUZ” этно фестивали, “Мўйноқ Ралли” авто пойгаси, “Сахро Симфонияси” номли “Open air” фестивали ўтказиб келинмоқда[4; 11 б].

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда Элликқалъа туманида жойлашган Ақчақўл кўлининг туристик салоҳияти, инвестицион жозибадорлиги ва тадбиркорлар учун имкониятларини акс эттирувчи махсус видеоролик ишлаб чиқилди ва Ўзбекистоннинг марказий телеканаллари бўйлаб тарғиб этиб келинмоқда. Туристик ахборот марказларида сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини кенгайтириш мақсадида сайёҳлар учун махсус туристик буклет, флаер ва китобчалар ишлаб чиқиб тарқатиш хизматлари йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, археологик ва зиёрат туризмни ривожлантириш ҳам устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Маданий мерос объектларини ўз ҳолида сақлаб қолиш ва туризмни ривожлантириш мақсадида 2018-2020 йиллар давомида Хўжайли туманидаги Мазлумхан сулув, Шамун Набий, Қўнғирот туманидаги Дауыт ота, Мўйноқ туманидаги Ҳаким ота (Сулайман Бақирғоний), Чимбой туманидаги Бердақ бобо, Ақимбет бахши мақбаралари ҳамда Элликқалъа туманидаги Тупроқ қалъа, Катта Гулдурсин қалъа, Беруний туманидаги Қизил қалъа, Пил қалъа археология объектларида қайта таъмирлаш ва тиклаш, атрофларини ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ундан ташқари Ўзбекистон Президенти ташрифи чоғида 2022 йил 31 август ПФ-210-сонли фармонининг 13-бандида А-380 йўл бўйида инфраструктурани ривожлантириш, шундан савдо ва сервис объектларини жойлаштириш топшириғи берилган. Ҳозирда ушбу фармон асосида меҳмонлар учун овқатланиш марказлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва бошқа туризмга оид лойиҳалар шакллантирилмоқда. Бунда 15,4 млрд сумлик 8 та лойиҳа шакллантирилган.

Қўнғирот туманидаги туроператор “QALDIRG’OCH-MAVLYUDA” хусусий корхонаси йилига 2500-3000 та зиёратчиларни мамлакат бўйлаб саёҳатга олиб чиқиб келмоқда. Фақатгина ташқи ва ички туризмга коронавирус пандемияси сезиларли таъсир қилди. Чегараларнинг ёпилиши туристларнинг ташрифи кескин камайиб кетишига сабаб бўлди[5; 9 б].

Туманда 2022-йилларда соҳани ривожлантириш йўналишлари бўйича маданий мерос объектларини реставрация қилиш ҳамда уларга олиб борувчи инфратузилмани тиклаш, Маданият бўлими ва ўрта билим бериш мактабларида сақланаётган экспонат, нодир топилма ва буюмларни сақлаш ва намойиш қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг Қўнғирот тумани филиалини ташкил этиш, мазкур маданий мерос объектлари негизида 8 дан ортиқ сервис шохобчаларини ташкил этиш ва 50 яқин иш ўринлари яратиш, тумандаги Ўзбекистон кўчаси ва Қўнғирот-Муйноқ 4Р-173А автомагистраль йўл бўйларида “Туризм кўчаси” барпо этиш, “Бурахан ота мақбараси” номли ички туризм дастури орқали, ҳар йили 8 мингдан зиёд ўқувчи, талаба ва нуронийларнинг туманга сафарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу ўринда худуддаги бир қанча ёдгорликлар хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Бурахан ота мақбараси – Қўнғирот тумани “Қипшақ” ОФЙ худудида жойлашган бўлиб, XII — XIV асрларга тегишли ёдгорлик ҳисобланади. Объект Қорақалпоғистон Республикаси Маданий мерос бошқармаси балансида ҳисобланади.

“Даўит ата мақбараси” архитектура ёдгорлиги Қўнғирот тумани “Адабиёт” ОФЙ худудида жойлашган бўлиб, даврий чегараси XVIII – XIX асрлар билан белгиланади. Даўит ота мақбараси меъморий объект бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарори билан Ўзбекистондаги миллий маданий мерос объектлари рўйхатига қайта киритилган. Шунингдек, Пайғамбар қизи мақбараси XVIII – XIX асрларга тегишли меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Пайғамбар қизи қабристони ва мақбараси Қўнғирот шаҳридан 32 километр шимолда, “Қипшақ” ОФЙ худудидаги дарё бўйида Қубатаў адирларида жойлашган.

Қўнғирот шаҳридан 45 километр шимолий-ғарбда, “Элобод” ПФЙ худудида жойлашган “Пулжай қалъа” (Жезкемпир) жойлашган. Ушбу қала аҳолиси Қўнғиротни сув олса “Пулжой”га кўчиб, уйсиз қолса қайтиб келадиган қалъаси ҳисобланиб, ёзма манбаларда IX-XIV-асрлардан бошлаб тилга олинади.

Карвон сарой “Белеўли” ҳам диққатга сазовор тарихий ёдгорликлар сирасига киради. “Белеўли” карвон саройи халқаро аҳамиятга эга бўлган савдо йўлида асрлар бўйи турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқаси учун хизмат қилиб келган. “Белеўли” карвон саройи Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани Жаслиқ посёлкасида шимолий-ғарбда 67 километр узоқликда жойлашган. Карвон сарой

атрофида қудуқлар, сардобалар, қурилиш тошлари чиқарилган карьерлар ва ўрта аср, янги давр қабристонлари мавжуд.

Гарчи ушбу тарихий ёдгорликлар давлат рўйхатига олиниб, тарихий маданий мерос сифатида эътироф қилинган бўлса ҳам тарихий, маданий ёдгорликларнинг ҳолати, уларни ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича дастур ва лойиҳаларнинг бажарилиши доимий ва ҳар томонлама мониторинг қилиниши зарур. Шу мақсадда ёдгорликларнинг ҳолатини кузатишнинг меъёрий, услубий ва технологик механизмларини баҳолаш улардан реал шароитларда фойдаланиш самарадорлиги нуқтаи назаридан, шунингдек, олинган натижаларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Шу маънода ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг “Қизил китоби” га ўхшаб, тарихий ва маданий ёдгорликлар, номоддий маданий мерос объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган маданият ёдгорликларининг “қизил китоблари” ни тузиш мумкин. Улар эса ўз навбатида табиий, техноген ёки ижтимоий-иқтисодий офатлар туфайли етказилиши мумкин бўладиган зарарлар ҳажмини камайтириш имконини беради.

Бу нафақат мерос объектларининг ҳолатини кузатиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, балки тегишли маълумотларни интенсив равишда тарқатиш учун ҳам жуда қимматлидир. Бу ўз навбатида Ўзбекистон ва жаҳон жамоатчилигига тарихий маданий меросни сақлашда энг жиддий муаммолар ва энг истиқболли ютуқларга эътибор қаратган ҳолда маълумот етказишга хизмат қилади. Шунингдек, тарихий, маданий ва табиий мероснинг ҳолати ва унинг сақланишини таъминлаш механизмларининг тайёрлиги ва самарадорлиги даражасини таҳлилий таққослаш муҳимдир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. International Tourism Charter, ICOMOS, 2002.
2. ҚРМАБ Минкультура РҚ-1998йил фонт№ М-515 ҳужжат №1 227-230в
3. Вести Каракалпакстана №23-24. 11.10.2011 й.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Қўнғирот тумани инвестиция ва ташки савдо бўлими маълумоти

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).